

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 123 (11.434)


Баҳоси Эркин нарҳда



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Жаннатмакон юртимизда бу йил ўзгача байрамона шукуҳ кезмоқда. Энг улуг ва энг азиз байрамимиз Мустақиллигимизнинг 18 йиллик тантаналари ҳамда азим шаҳримиз Тошкентнинг 2200 йиллик қутлуг тўйини шодийна нишонлаш мақсадида барча гўшаларда кенг миқёсда қизгин тараддуд кўрилмоқда.**

### МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ



Албатта тўйга тўёна билан бориш азалий удумларимиздандир. Шаҳримизнинг энг обод ва кўркам туманларидан саналмиш Мирзо Улуғбек туманида ҳам бугунги кунда ушбу байрамларимизни улкан ютуқлар билан муносиб кўтиб олиш иштиёқида туман аҳолисининг каттаю кичиги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларида ва турли жабҳаларда кўтаринки кайфиятда меҳнат қилмоқда.

Айтиш жоизки, Мирзо Улуғбек тумани ҳудуди 3188 гектар майдонни ташкил этиб, ушбу масканд 243,5 минг турли миллат вакиллари билан ва тотовликда истиқомат қилади.

Туманда 52 та маҳалла, 5 та олий ўқув юрти, 32 та мактаб, 27 та илмий-текшириш институти, 24 та спорт мажмуаси, 9 та шифохона, кўплаб саноят корхоналари фаолият юритмоқда. Бугунги кунда тумандаги 78 та объектада қурилиш, таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда ва барчаси режа бўйича фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Тумanning мавзе ва кўчалари бўйича жойлашган 895 та иншоотнинг фасад қисми қайта таъмирланиши кўзда тутилган. Ҳозирги кунда бир қатор бино ва иншоотларнинг фасад қисмлари ҳамда ҳудудлари тартибга келтирилиб, ободонлаштирилмоқда, кўп қаватли уйларнинг ташқи фасад қисмларини таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ободонлаштириш масалалари-

га ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 250 мингта бир йиллик ва кўп йиллик гул кўчатларини ўтказиш режалаштирилган.

Уй-жойларнинг санитар ҳолатини яхшилаш ва атроф-ҳудудини ободонлаштириш бўйича 2009 йилда кўп қаватли уйларнинг 4 та

ишлаб чиқилган. Инқирозга қарши чоралар дастурида кўрсатиб ўтилган аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида жорий йил биринчи чоракда 2900 та иш ўринлари яратилди. 2009 йил январь-март ойларида туманда ташқи савдо айланмаси 91,1 миллион АҚШ долларини, ўсиш суръати 99,8 фоизни ташкил этиб, маҳсулот ва хизматлар экспорти 263,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши жадаллаштиришга киришилди. Инвестицион дастур доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар 10,1 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, ўсиш суръати 118,3 фоизга тенг бўлди.

Бир сўз билан айтганда айни кунда тумanning барча гўшаларида байрам тадориги қизгин паллада. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, қайта қуриш ишлари фаол иштирок этаётган туман аҳлининг чеҳрасида, қалбида она юртга меҳр-муҳаббат, истисқолга садоқат, шу билан бирга фаровон ва бахтиёр замонамизга шукроналик туйғулари намойён бўлмоқда.

(Мирзо Улуғбек туманига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз)

## ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ЖОНАЖОН ШАҲРИМ

кириш йўлакларини жорий ва капитал таъмирланди, 18 та темир эшиклар ўрнатилди, 8 та лифт кабиначлари жорий таъмирланди, 800 дан зиёд гараж тартибга келтирилди. Ҳозирда ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш мақсадида 2009 йил қурилиш манзилли дастурига киритилган объекتلарни таъмирлаш ишларини белгиланган муддатларда якунлаш бўйича назорат кучайтирилган. Жумладан, 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйларни муҳандислик тизимларини мукамал таъмирлаш режасига биноан 114 та кўп қаватли уйларда таъмирлаш ишлари якунланмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, туман иқтисодийнинг реал сектори асосий соҳалари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури

**Мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, иқтисодийнинг юқори суръатлар билан ўсиши, аҳоли реал даромадининг кўпайиши, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, банк тизимида амалга оширилётган ислохотлар аҳолининг банк тизимига ишончини оширишнинг асосий омиллари бўлди.**

## ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ ТИЗИМИ

Бу борада 2002 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим роль ўйнамоқда. Қонун фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш тизимининг ҳуқуқий, молиявий ва таркибий асосларини белгилаб беради, шунингдек, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармасини ташкил этишни, унинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишни назарда тутди.

Ушбу Қонуннинг Қашқадарё вилояти банк тизими ҳамда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси мажлисида муҳокама қилинди.

Мажлисида кўрсатиб ўтилганидек, Қонунни ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 сентябрдаги «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Қарори билан МДХ давлатлари орасида биринчи қатори бизнинг мамлакатимизда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарманинг ташкил этилиши ҳамда банкларнинг Жамғарма реестрига кириши аҳолининг банкларга ишончини анча оширди, аҳоли омонатлари муттасил ўсиб боришини таъминлади.

2008 йилнинг иккинчи ярмида бошланган ва ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина мамлакатларини қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз аҳоли омонатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ва мамлакат тижорат банкларига аҳолининг ишончини ошириш юзасидан қўшимча самарали чора-тадбирлар белгилаш зарурлигини кўрсатди. Ана шу мақсадда 2008 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидagi омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди. Фармонда белгиланган тартибга мувофиқ, омонатларнинг миқдорларини қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банкларига депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади.

Оқоридаги Фармонга мувофиқ, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун мамлакатимиз фуқароларини ижтимоий ҳимоялашга ҳамда уларнинг омонатларини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, аҳолининг мамлакатимиз банк тизимига ишончини янада мустаҳкамлашга, тижорат банкларига аҳоли омонатларини жалб этиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилишига қаратилган.

Шу билан бирга мажлисида юқорида тилга олинган Қонуннинг Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан ижро этилишида баъзи хато ва камчиликлар борлиги таъкидланди. Чунинки, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси Қузатув Кенгаши томонидан Жамғарманинг 2006-2008 йиллардаги фаолияти натижаларига тегишлича баҳо берилмаган. Қашқадарё вилоятида турли аҳоли қатламлари орасида Жамғарманинг мақсад ва вазифалари ҳақида, банкларнинг депозитлари, шунингдек, улар кафолатланганлиги ҳақида тушунтириш ишлари етарли даражада олиб борилмаётган. Тижорат банклари фуқаролар омонатларини турлари бўйича хизматларини кенгайтиришига етарлича эътибор бермаётган.

Масалани муҳокама этиш якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Қўмита мажлисида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари, Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, экспертлар ва олимлар иштирок этди.

(УЗА)

## XXI садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши билан ҳамкорликдаги кенгайтирилган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

● Қаршида Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида «Матбуот истиқболи» форуми ўтказилди.

● Навоий шаҳрида талаба-ёшлар ўртасида давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби билимдонни кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик, Жиззах олий ҳарбий авиация, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик ҳамда Чирчик олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрталарида битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонлари топширишга бағишланган тантанали тадбирлар ўтказилди.

● Хатирчи тумани марказида Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги олдинда замонавий кулайликларга эга бўлган «Бахт уйи» барпо этилди. Унинг таркибида ФХДЭ бўлими ва нотариал идора мавжуд. Бу ердаги 180 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари «Муаззам-Хулқар орзу» фирмаси бунёдкорлари томонидан амалга оширилди.

● Олмаликдаги «Аммофос» ОАЖ мутахассислари томонидан яратилган илгари чиқиндига чиқарилган фосфогипсни қайта ишлаб, ундан ўғит ва қурилиш материал олиш усулига патент берилди. Эндиликда фосфогипсдан халқ ҳўжалиги учун фойдали маҳсулотлар —аммоний сульфати ва мел ишлаб чиқарилмоқда.

● Нукусда Шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон Республикаси филиали ҳамда туман тиббиёт бирлашмалари бўлимларига «Тез ёрдам» автоуловларини топшириш маросими ўтказилди. Тадбир давомида 7 та «Хундай» русумли санитария автоулови ҳамда «Саломатлик-2» ва «Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари асосида келтирилган 23 та «Дамас» русумидаги машиналар топширилди.

### ЖАҲОНДА

● Эронда яқинда бўлиб ўтган президент сайловлари натижаларидан норозилик бўйича оммавий тартибсизликлар сиёсий тус олмоқда. Хусусан, кеча беш нафар ҳорижлик фуқаро жосусликда айбланган ҳолда ҳибсга олинди. Агарда тартибсизликлар шу таҳлитда давом этадиган бўлса, тез орада тинчликни сақлаш учун ислом кўриқчилари корпуси нуфузли бўлинмалари ишга солиниши мумкин.

● Ингушетияда мамлакат президенти Юнус-Бек Евкуровга суиқасд уюштирилди. Яъни президент кортежи ўтаётган вақтда йўл ёқасига ўрнатилган портловчан қуримла ҳаракатга келтирилган. Хунрезлик оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмган, бир киши эса тан жароҳати олган. Маълумотларга кўра суиқасд чоғида яраланган президент даволаш учун Москвага олиб келинади.

● Кеча Буюк Британия ва АҚШда ўтказилган савдолар чоғида 1 баррел нефтнинг нархи 3,3-3,6 фоизга пасайди.

● Бугун Россия Федерацияси ҳудудидаги барча мактабларда битирув кечаси тантаналари бўлиб ўтди.

● Туркиянинг Измир шаҳри атрофидаги 160 гектарлик ҳудудда кучли ўрмон ёнгинлари юз бермоқда. Ўт ўчиришга 200 дан ортиқ ёнгин ўчирувчилар ва махсус техника жалб этилган бўлиб, ёнгинни жиловлалш чоғида битта ўт ўчирувчи куйиш тан жароҳатини олди.

● Хитой Шарқидаги заводлардан бирида портлаш юз берди. Яъни Аньхой музофотида жойлашган заводнинг кварц қазиб олиш бўлимида рўй берган бахтсиз ҳодиса оқибатида 16 киши ҳаётдан кўз юмди, 44 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирда воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб боришмоқда.

● Кеча Қизил денгизда Сомали қароқчилари Гонконгга қарашли бўлган «Кэнг Лонг» кемасини кўлга олишга ҳаракат қилдилар. Кема экипажининг кескин қаршилик кўрсатиши натижасида қароқчилар ўз мақсадларига эриша олмадилар.

● Колумбияда рўй берган қуролли тўқнашувлар чоғида етти нафар полициячи ва 25 нафар жангари ҳаётдан кўз юмди.

● Кеча Санкт-Петербургда кўйирчоқ театрларининг халқаро фестивали бошланди. Унда МДХ ва Европа давлатларининг кўплаб кўйирчоқ театрлари жамоалари иштирок этмоқда.

## СОҲАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР

Тошкент Ахборот технологиялари университетиде «Microsoft — XXI аср таълими учун» мавзусида форум ўтказилди.

Ҳаётимизни ахборот-технологияларисиз тасаввур эта олмаймиз. Дарҳақиқат, илғор технологиялар, тезкор коммуникация воситалари ҳозир ҳар бир соҳада оғиримизни енгил қилувчи энг яхши кўмакчимизга айланиб бормоқда. Хусусан, ахборот технологияларининг таълим тизимига жорий қилиниши эса бунинг самарадорлигини таъминлапти, десак хато бўлмайдди. Тадбирда таълим тизимига ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, талаба-ёшларнинг бу борадаги билимларини янада бойитиш борасида фикр алмашилди.

Шунингдек, анжуманда мутахассислар томонидан талаба-ёшларга «Microsoft» корпорацияси дастурлари хусусида батафсил маълумот берилди. Таълим тизимида қўлланилувчи электрон ўқув адабиётлардан ҳамда турли аминацион дастурлардан кенг фойдаланиш та-

лабаларнинг билим ва кўникмаларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш жоизки, мазкур тадбир ёрдамида талабалар юртимизда таълим сифатини янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами хусусида батафсил маълумотга эга бўлишди.

Бундан ташқари анжуман тадбир иштирокчилари ўз маърузаларида таълимдаги ҳамкорлик дастурининг мақсад ва вазифалари, дастурий таъминотдан фойдаланишнинг афзалликлари хусусида ҳам тўхталиб ўтишди. Ушбу лойиҳалар мамлакатимизда ахборот технологиялари ривожини таъминлаш билан бир қаторда таълим тизимини такомиллаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

«Туркистон-пресс»

## ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** шаҳримизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан маҳаллий ва Жанубий корейлик ишбилармонлар иштирокида кооперацион биржа ташкил этилди.

✓ **ШАЙХОНТОХУР** туманида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан 34-мактаб қошида ташкил этилган «Қалдирғоч» ёзи болалар оромгоҳи ҳамда «Лоҳин» ёзи болалар оромгоҳи ўз фаолиятини бошлади.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Саломат бўлинг» мавзусида ўтказилган тадбир у-шу спорт секцияси томонидан уюштирилди.


✓ **БЕКТЕМИР** туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЕИҲ туман бўлими, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамкорликда уюштирилган ўқув семинари она ва бола саломатлигини асрашнинг долзарб масалаларига бағишланди.

## МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ



2200  
2009  
ТОШКЕНТ

ЯНАДА ОБОД БЎЛ,  
ЖОНАЖОН ШАҲРИМ



Маънавият тарғибот  
марказларида

## ЁШЛАР ОНГИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

Маънавият шундай бир  
қимматбаҳо меваки, у  
инсонга она сuti, ота  
намунаси, аждодлар ўғити  
билан бирга сингади.

Бугунги кунда халқимизнинг маънавий онгини юксалтириш ҳукуматимизнинг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Бу борада пойтахтимиз туманларида фаолият кўрсатаётган Маънавият тарғибот марказлари томонидан ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Жумладан, Маънавият тарғибот марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган турли хил тадбирлар, учрашувлар, семинарлар аҳоли, айниқса ёшлар маънавий онгини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»-ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда, ўқув масканларида, корхона ва ташкилотларда ўтказилаётган маънавий-маърифий ва маънавий ёшлар таъмирлаш диққатга сазовор бўлмоқда. «Миллат ва маънавият», «Ёшлар маънавияти», «Аёлнинг ижтимоий соҳадаги ўрни», «Оила — тарбия ўчоғи», «Ватан ягонадир — Ватан муқаддас» мавзудаги тадбирлар фикримиз дилидир. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб кутиб олишга бағишланган «Қадимий ўлкасан — она Тошкентим», «Қадимий Шош, навқирон юртсан», «Кўҳна Турон Тошкентим» мавзуларидаги таниқли ёзувчи ва шоирлар, тарихчи олимлар иштирокидаги маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари йилгиланларда катта қизиқиш уйғотди.

Таълим муассасаларида ўтказилган Тошкент шаҳри ҳақида иншолар танлови ҳам ёшларнинг шаҳримиз ҳақида бой тасаввурга эга бўлишлари имкон яратди. Булардан ташқари туманда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турли хил юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида жойларда хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Қамолот» ЕИҲ, ИИБ туман бўлимлари ҳамкорлигида «ОИТСнинг — инсон саломатлигига зарари», «ОИТСга қарши кураш — бутун жаҳон нигоҳида», «ОИТС — аср вабоси», «Гиёвандлик — умр заволи» мавзуларида ўтказилган тадбирлар ҳам ёшларнинг соғлом турмуш тарзига риоя қилишлари, кашандалик балоси ва унинг ёмон оқибатларини яхши англаб етишларида муҳим омил бўлмоқда.

Жонажон шаҳримизнинг 2200 йиллик юбилеи олдидан маҳаллаларда, корхона-ташкilotларда «Тошкентим — фаҳрим», «Азим Тошкентим», «Қадимий Шош» мавзуларида давра суҳбатлари қизиқарли савол-жавобларга бой тарзда ўтмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф эттишни йўллари ва чоралари» асарининг мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтириш мақсадида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилинди. Айни кунларда ёзи болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳам Маънавият тарғибот маркази томонидан бир қатор тадбирлар ўтказилаётганлигини қайд этиш лозим.

Албатта бу каби тадбирлар аҳоли, айниқса ёшларнинг маънавиятини юксалтиришда, уларнинг ҳар томонлама билими, она юртга содиқ қомил инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Зеро маънавияти юксак халқнинг эртаси буюқдир.

Саҳифа материалларини  
Дилором ИКРОМОВА тайёрлади.  
Азамат Аҳмедов олган суратлар

## Транспорт

## НАМУНАЛИ ЖАМОАЛАР

Шаҳримиз аҳолисига намунали  
транспорт хизмати кўрсатаётган  
жамоалар кўп.

Уларнинг бу борадаги фаоллиги муносиб тақдирланди. Беллашувларда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси таркибига кирувчи «3-автобус саройи» биринчи ўринни кўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар «4-автобус саройи» ҳамда «7-автобус саройи» жамоаларига насиб этди.

Трамвай-троллейбус деполари бўйича эса биринчи ўрин «2-трамвай депоси», иккинчи ўрин «3-троллейбус мажмуаси», 3-ўрин «3-трамвай мажмуаси»га берилди.

Шунингдек, йўналишли такси режимда ишлайдиган корхоналардан бир нечаси ҳам муносиб тақдирланди.

## ТУБ ТАЪМИРДАН ЧИҚДИ

Ҳаракат таркибларининг техник  
ва санитар ҳолати бўйича  
ўтказилган мониторинг бўйича кенг  
кўламли таъмирлаш ишлари олиб  
борилди.

Чунинчи, «Тошавтобустрас» компанияси корхоналарига қарашли 86 дона автобуснинг кузови тўлиқ таъмирдан чиқди. Пойтахтимизнинг Шаҳрисабз кўчаси кенгайтирилиши муносабати билан эса 3,6 километр трамвай йўли ва улаиш тармоғи туб таъмирланди. Йўналишдаги электр тармоқлари соз ҳолга келтирилди.

Ақбар АЛИЕВ

## Фан

## БИООРГАНИК КИМЁ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизда «Биоорганик  
кимё, табиий бирикмалар ва  
физиологик моддалар кимёси»  
йўналишида ҳам кенг кўламли  
тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Миллий университетининг «Табиий бирикмалар кимёси» кафедрасида амалга оширилаётган илмий изланишлар ҳам самарали бўлмоқда. Қатор тадқиқотлар эса Ўзбекистон Фанлар академияси «Биоорганик кимё» институти ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш томонидан яхши баҳоланди. «Галилаган» деб номланган янги препарат ҳам амалиётга таъбиқ қилинди. Шунингдек, табиий кимё молекулали глицирзин кислотасидан кимё санъатида фойдалана бошланди. Бугунги кунда кафедрада олиб борилаётган илмий изланишлардан бир нечаси ўз ечимини топмоқда.

## КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАДҚИҚОТЛАР

Ўзбекистон Фанлар академияси  
Сув муаммолари илмий-текшириш  
институти ташкил топганига  
йигирма йилча бўлиб қолди.

Сув муаммоларида бағишланган чуқур фундаментал тадқиқотлар олиб бориш билан шуғулланаётган мазкур илмий муассаса шу ўтган давр ичида кўплаб ютуқларни кўлга киритди.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинди. Хусусан, Сирдарё ва Амударёдаги сув ресурслари бўйича ҳам қатор янги илмий ҳулосаларга эришилди. Натижада дарё билан суғориладиган майдонлар, гидроэнергетика билан ирригация орасидаги зиддиятлар ва қонуниятлар очиб берилди.

Ҳўжалик ва ичимлик суви билан таъминловчи манбаларни экологик ва эпидемиологик жиҳатдан баҳолаш тизими ҳам ирригатор олимларнинг жиддий ютуғи бўлди.

## ПАТЕНТ ИДОРАСИ ГУВОҲНОМАЛАРИ

«Замонавий информация  
технологиялар» илмий-техника  
маркази томонидан амалга  
оширилаётган изланишлар  
бошқариш тузилмаларини кенг  
йўлга қўйишда ўз самарасини  
бермоқда.

Моделлаштириш усуллари ва алгоритмлар соҳасида ҳам қатор янгиликларга эришилди. Бундай йирик тадқиқотлардан 40 га яқинига республика патент идорасидан гувоҳнома берилди.

Марказ кўлга киритган қатор ютуқлар нефть ва газ тармоғида, машинасозликда, агросаноат мажмуаларида ўз амалий ифодасини топмоқда.

Зухра ЖУЛБЕКОВА

## Иқтисодиёт

## ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг муносиб ҳиссалари бор. Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир корхона ўз истиқболи йўлида аввало тайёрлаётган маҳсулотни сифатига алоҳида эътибор қаратади.

акторларнинг ҳажми 32 метр кубга етди. Натижада йиллик ишгаб чиқариш ҳажми 76 минг тоннани ташкил этди. Айни кунда корхонада аҳоли ҳамда саноат корхоналари учун юқори сифатли 10 дан зиёд маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда. Локлар, эмаллар, грунтвокалар, сувли бўёқлар, пигментлар, шпатлевкалар, тормоз суяқлиги, алиф ва бошқалар шулар жумласидандир. Ҳозирги пайтда корхонада бир йилда ўртача 15000 тоннага яқин маҳсулот тайёрланаётган бўлиб, шундан 15-20 фоиз маҳсулот экспортга чиқарилмоқда. Ҳамдўстлик мамлакатлари корхонанинг асосий буюртмачиларидан саналади.

Бугунги кунда корхона ишчи-хизматчилари Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олиш иштиёқида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришганлар. Жумладан, корхона қошидаги марказий лаборатория ходимлари томонидан бир қатор янги турдаги маҳсулотлар тайёрланди. Булар — турли рангдаги экологик тоза фасад бўёқлари, йўлларни белгилаш учун эмаллар, паркет ва мебель локлари, турли рангдаги шпатлевкалар, жилосиз лок-бўёқ маҳсулотларидир. Шодидна байрамларимиз арафасида корхонада яна бир янги маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаш-

тирилмоқда. Яъни, ҳозирда махсус объектлар учун металл занглашини камайтирадиган қопламалар устида иш кетмоқда.

Ҳа, айни кунларда корхона жамоаси изланишда. Бунда асосий эътибор сифатга қаратилганлиги боис, маҳсулотлар харидорлиги ортомқда. Жамоа ахли ички бозоримизни чуқур ўрганиш, мижоз талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда янги-янги сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, Энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига муносиб тўхфа тайёрлашга азму қарор қилганлар.

Шуни қувонч билан айтишим керак, маҳалламизда ҳар томонлама билимли, иқтидорли ёшларимиз кўп. Мана, яқингинада Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган «Умид нихоллари» спорт мусобақаларида ҳамда республика фан олимпиадаларида маҳалламиз ёшлари ҳам иштирок этиб муносиб ўринларни эгаллашди.

Ҳозирги кунда маҳалламизда жонажон шаҳримизнинг 2200 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун қизгин тайёрлик бормоқда. Жумладан, кўчалар, ариқлар тозаланиб, шоҳўчалардаги дарахларга шакл бериб, оқланмоқда. 430 дона игнабаргли ва манзарали кўчалар, 5000 дан зиёд мавсумий гуллар ўтказилди. Кўчалардаги ёриткичлар назоратга олинди. Бундан ташқари айрим жойларда совуқ сув тизимида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шоҳўчалар таъмирланиб, асфальт қилинди. Шунингдек, маҳалламизда турли байрам тадбирлари, маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, кечалар ташкил этиб келинмоқда. Маҳаллада истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга хайрия ёрдамлари кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилган. Келгусида қиладиган ишларимиз хали бисёр. Ҳозирги кунда мақсадимиз, маҳалламизни қутлуғ байрамларимиз арафасида яна ҳам файзли, обод ва кўркам гўшага айлантириш, маҳалла осойишталигини, аҳоли фаровонлигини таъминлашдан иборат.

## Маҳалла — ота-онанг

## МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

Юртимизда шундай бир гўша борки, бу ҳеч бир мамлакатда мавжуд эмас. Республикаимизнинг қайси бир ҳудудига борманг, олам аро бебаҳо гулшан саналимиш, ватан ичра кичик бир ватан деб аталмиш меҳр — оқибат кўрғони бўлган маҳалла мавжуд. Ушбу маскан инсонларни баҳамжиҳатликка, аҳилликка, дўстлик ва биродарликка, қўни-қўшничилик сингари эзгуликлар сари чорлайди.

Мирзо Улуғбек туманида ҳам 52 та маҳалла мавжуд бўлиб, айни кунларда ушбу файзли гўшаларда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш мақсадида ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари авжида. Айниқса, тумандаги маҳаллалар орасида «Олтинтепа-5» маҳалласи ободлиги, файзу таровати, меҳр-оқибатли кишилари билан бошқаларга намуна бўлиб келмоқда. Маҳалла ҳудудига бугунги кунда турли миллатта мансуб 4000 га яқин аҳоли тотув ва баҳамжиҳатликда истиқомат қилмоқда. 2005 йилда маҳалла гузарига қайта бунёд қилиниб, аҳоли учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Маҳалламизнинг қадимдан турпоғи соф ва тоза бўлганлиги боис «Олтинтепа-5» деб ном олган. Илгари «Олтинтепа-10» маҳалласи бўлиб, кейинчалик аҳолиси кўпайган иккига бўлиниб, «Олтинтепа-5» маҳалласи алоҳида ташкил топган, — дейди «Олтинтепа-5» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Карим Йўлдошев. — Маҳалламиз ҳудудига бит-

самарали хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, тикувчилик цехи ташкил қилиниб, унда уйда ўтирган аёллар иш билан таъминланиб, буюртма асосида пардалар тикиш йўлга қўйилган. Келгусида маҳалла гузарига компьютер, бисер тўқиш буйича курслар ташкил этишни режалаштирганмиз. Шунингдек, таъкидлаш керакки, маҳалламизда ёшларни спортга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида 112-мактаб билан «Маҳалла — мактаб — оила» концепцияси асосида ҳамкорликда кўплаб тадбирлар ўтказиб келямиш. Усмилар ўртасида спорт мусобақалари мунтазам

**Беш мингдан зиёд жамоат ташкилотлари орасида ўз мақсад ва вазифалари рўйида етакчилик қилиб келаётган касба уюшмалари фаолияти ортқча таништирув ва мақтовдан, назоримизда, холис. Деярли ҳар бир меҳнат жамоаси азъоси бундан яхши воқиф — фарзанди ёки ўзи учун соғломлаштириш оромгоҳига йўлланма бўладими, касаллик даври учун ёки бошқа тарздаги моддий ёрдам зарурми, касба уюшмаси имкониятлари дарҳол намоён бўлади, аниқроғи бу борада молия масалалари имтиёзли ҳал этилади.**

Шундай бўлсада, бугунги кунда уюшма азъоларининг том маънода ёшариб бораётгани эътиборидир. Бирламчи ташкилотларнинг институт, коллеж ёки лицей тасарруфида фаолият юритиши оддий ҳол, аммо уюшма бўғинлари ҳаттоки талабалар ва ўқувчилар давраси доирасида ташкил этилаётгани бўлажак касб-хунар эгаларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яққол ифодаси дейиш мумкин.

Бу борада, айниқса пойтахтимиз касба уюшмалари бир қатор янги лойиҳалар устида жонбоқил кўрсатиб, ўз сафини ёшлар ҳисобига кенгайтиришга эришаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Гап шундаки, мана ўн йилдирки, шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари томонидан иқтидорли ва ташаббускор ёшларни рағбатлантириш мақсадида махсус стипендия жорий этилган бўлиб, ўтган вақт ичида унга 200 дан зиёд ўқувчи-талаба сазовор бўлган. Яқинда улар сонини яна бир нечтага ортди. 15 нафар олий ва ўрта махсус ўқув юрларида тахсил олаётган ўғил-қизларимизнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 12 баробарига тенг стипендия ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Биргина ўтган йилда 3014 та корхона ва ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларига асосан деярли 390 миң ишчи-хизматчининг манфаатлари қамраб олинди. Бу дегани иш бериш ва ходим ўртасида меҳнатга оид иқтисодий-иқтисодий ва касбга оид муносабат-

лар махсус меъёрий ҳужжат орқали мувофиқлаштириб борилиши йўлга қўйилди, — дейди шаҳар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенга-

ходимлар ўртасидаги муносабатлар барқарор юритилишига асос бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, шундай келишувлардан бири пойтахт касба-

миллион сўм касба уюшмалари маблағлари сарфланди. Ягона ижтимоий тўлов ҳисобидан 775 миллион сўм маблағ уч миңдан зиёд ёш ишчи-ҳодимларнинг санаторийларда дам олишига йўналтирилди. Шунингдек, ёшларга 32 миллион сўмлик Митрофанов номидаги сув спорти мажмуасига имтиёзли йўлланма ажратилди.

Касба уюшмалари ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига катта эътибор қаратаётган. Ушбу йўналишда фаолият юритаётган жамият ишла-

ташкilotи тасарруфидаги «Сув-маш» акциядорлик жамияти томонидан 2008 йилда ёш оила-р учун бепул етита кватирга ажратилгани, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида эса олий ўқув юрларини битириб келган ёш му-тахассисларга кучли ижтимоий химоя тариқасида ойлик маошидан ташқари қўшимча уч ой мобайнида энг кам иш ҳақининг беш баробарида моддий ёрдам бериб бериш жорий этилгани ҳам касба уюшмалари билан тузилган ижтимоий шерикчи-ликнинг амалдаги ифодасидир.

— Ҳамкорликда қилаётган ишларимизнинг афзалликлари кўп, — таъкидлаб ўтди Нурилла Насимов. — Жамоат шартномасининг ҳам имкониятлари кенг, бироқ, афсуски, баъзи субъектлар улардан ҳали тўлиқ фойдаланмаётган. Аммо бизни бугунги кунда кўпроқ нодавлат секторда меҳнат қилаётганларнинг ижтимоий химояси таъшишга солмоқда. Бу борада, айниқса тармоқ касба ташкилотларимиз ҳаракатларини янада жадаллаштиришлари лозим. Таҳлилларга қараганда, ўтган йили ушбу йўналишда неча юзлаб субъектлар иш бошлаган, аммо атиги 70 тасида уюшмамиз бўғини тузилган. Айниқса, ёшларимиз орасида тарғибот ишларини кучайтиришимиз керак, касба уюшмаларининг улгарга том маънода нафти нимада, оммавий ташкилот сифатида қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари химояси юзасида амалий ишларимиз билан исботлаган ҳолда тушунтириб бораёк, пировардида қутилган натижаларга эришимиз мумкин бўлади.

Яқинда шахримизнинг фаол ва ташаббускор ёшлари учун касба уюшмалари томонидан Самарқанд бўйлаб саёҳат ташкил этилди. Бу ҳам ижтимоий шерикчилик асосида амалга оширилган хайрли ишлар самарасидир.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

## Жамоат ташкилотларида ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК — ХАЙРЛИ ИШЛАР ПОЙДЕВОРИ

ши раиси Нурилла Насимов. — Бундай ижтимоий шерикчилик — янги йўналиш бўлиб, уни амалга ошириш механизми, шакл ва услубларини такомиллаштириш борасида касба уюшмалари изчил фаолият олиб бормоқда. Ижтимоий шерикчилик асосида касба уюшмалари, давлат бошқаруви идоралари ва иш бериувчилар ўртасидаги муносабатларда юзга келиши мумкин барча муаммолар фақат музокара, ҳамкорлик ва ўзаро келишув йўли билан ҳал этилади. Бундай ҳамкорлик доирасида ижтимоий ривожланиш, аҳолининг турли табақаларига манзилли ёрдам кўрсатиш, меҳнат шартномалари ва муҳофазаси, меҳнатга ҳақ тўлаш, бандликни таъминлаш, соғломлаштириш каби масалаларни ўз ичига олган жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари тузилиб, меҳнат шартшартлари мезонлари мувофиқлаштириб борилади, шунингдек, давлат, иш бериувчи ва

уюшмалари ва шаҳар ҳокимлиги ўртасида ҳам тузилган бўлиб, аҳоли ва меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига хизмат қилиб келмоқда. Мазкур ҳужжатда кўзланган бир қатор имтиёз ва қафолатларга биноан, масалан, ўтган йилда кам таъминланган оилалар фарзандларига, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига 58,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, 408 та корхонада фаолият юритаётган ёш оилаларга 147 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди, 31 та корхонада янги оилаларга уй-жой қурилиши учун 171 миллион сўмлик қарз ажратилди. 119 та корхона-ташкilot томонидан 761 талабанинг 152 миллион сўмга тенг тўлов шартномаси қоллаб берилди. 920 нафар ёш йигит-қизларимиз, шу жумладан меҳнат қилаётган ҳамда талабалар сихаттоҳларига саломатлигини имтиёзли тиклашга муяссар бўлди. Ушбу мақсадларга 68

рени фаоллаштириш ва самардорликка эришиш мақсадида ҳисобот даврида шаҳар касба уюшмаси Кенгаши бюджетидан 81 миллион сўм, ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан 295 миллион сўм ажратилди. Бу борада 2008 йилда Пекин Олимпиадасидан қолган ва соҳибдор бўлиб қайтган ўзбекистонлик спортчиларнинг беш нафари пойтахт касба уюшмаларининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти спорт устали эканлиги эса қилинаётган саёй-ҳаракатларнинг беса-мар эмаслигидан далолатдир. Касба уюшмалари ташаббуси билан меҳнаткашларнинг оилалари ўртасида мунтазам спартакиа-далар ташкил этилаётгани ҳам эътиборга лойиқ.

Уюшманинг бундан ташқари қўллаб-қўллаган тармоқлари томонидан ҳам кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, агросаноат мажмуаси ходимлари касба уюшмаси

**Истиқлол йилларида аудит, аудиторлик соҳасини жиддий ислоҳ этиш, ишчи-ҳодимларнинг билим ва малакасини ошириш, қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунишга шарт-шароитлар яратиш бериш борасида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилди.**

Кўни кеча «Консаудитинформ» агентлиги ёпиқ акциядорлик жамиятида ўтказилган аудит текшируви сифати мувофиқлаштириш ва назорат тўғрисидаги ўқув-семинарда ҳам масаланинг айни шу жиҳатлари хусусида сўз борди.

Тадбир қатнашчилари энг аввало эътиборни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари тўғрисида»ги китобида кўтарилган долзарб масала — жаҳон иқтисодий инқирози ва унинг мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий таъсирини қаратиши. Бу ҳақда Ўзбекистон Фанлар академияси иқтисод институтининг ходими, иқтисод фанлари номзоди Омилхон Исмоилов маъруза қилди.

Сўнг «Консаудитинформ» агентлиги ёпиқ акциядорлик жамияти бош директори Муроджон Пармонов, Ўзбекистон Республикаси Молия ва банк академиясининг проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Ми-

## Семинарлар АУДИТ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

хаил Ҳамидулин, Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассоциацияси Бошқарув Кенгаши раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор Мунаввар Тўлаҳужаева, «Консаудитинформ» агентлиги ЕАЖ бош аудитори Алишер Раҳматуллаев, бош директорининг биринчи ўринбосари, техника фанлари номзоди Абдумутал Абдуллаев, ҳуқуқшунос Бобур Анорқулов, аудит консалтинг хизмати бошлиғи Бахтиёр Ҳамдамовларнинг аудит жараёнида корпоратив бошқарувнинг аҳамияти, аудит ўтказиш жараёнини халқаро амалиёт таърибаси асносида такомиллаштириш, аудиторларнинг профессионал ахлоқий-меъёрий кодекси, аудиторларнинг жавобгарлигини ва масъулиятини ошириш, аудиторлик текширувларини ҳужжатлаштириш ва унинг аҳамияти, кадрлар билан ишлаш масаласи сингари мавзулардаги маърузалари тингланди.

Таъкидлаб ўтилганидек, аудит ўтказилиши жараёнида корпоратив бошқарувнинг аҳамияти беқўёс. Ҳозирги бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган, жаҳон иқтисодий инқирозининг таъсири сезилаётган бир пайтда бу соҳадаги ишларни янада жадаллаштириш учун истиқболли ўзгаришларни амалга ошириш зарурати мавжуд. Аудиторларнинг профессионал ахлоқий қиёфаси ҳам жамиятнинг диққат марказидаги жиҳатлардан саналади. Бугунги аудитор мутлақо янгича дунёқарашга эга бўлган, билим ва малакаси замонавий андозаларга мос келадиган етук салоҳият соҳиб бўлмоғи керак. Тадбир давомида шу каби масалалар доирасида атрофлича мулоҳаза юритилди.

Тадбир сўнггида 2008 йил якуни бўйича иш фаолиятида алоҳида ўрнатилган, турли номинациялар галиби бўлган ходимларга Фахрий ёрлик ва рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

## Ёшлар — келажакимиз

### УМРИНГИЗНИ ХАЗОН ЭТМАНГ

**Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама билимли, соғлом ва маънан баркамол бўлиб вояга етишлари учун мустақкам замин яратилган. Юртбошимиз айтганларидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари учун бир қатор қонунлар ҳаётга татбиқ этилиб, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга давлатимизнинг асосий вазифаларидан бири сифатида қараб келинмоқда.**

Маълумки, азалдан халқимиз бола тарбиясига масъулият билан ёндашиб, уларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратиб келган. «Бир болага етти қўшни ота-она», «Кўш уясида кўрганни қилади» каби ҳикматлар ҳам бекорга айтилмаган. Чунки бола тарбиясида оила, ота-онанинг ўрни жуда катта, уни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Болага озгина эътибор қаратилмаса, унинг юриштиришдан вақтида хабардор бўлинмаса, натижаси кўнгилсизлик билан тугайдиган одатлар пайдо бўлади. Аввало ҳаммаси бекорчиликдан, ҳар хил таниш-нотаниш кишилар билан дўстлашиб қолишдан бошланади. Ҳозирги кунда бутун дунё ахли азият чекаётган гиёвандлик, кашандалик, наркоманиа ва ичкиликбозлик каби иллатларнинг боши ҳам мана шунга келиб тақалади. Айниқса қанчадан-қанча ёш умрларини хазон этиб, майиб-мажрўх болаларнинг туғилишига сабабчи бўлаётган, «аср вабоси», «оқ ажал» каби совуқ номлар билан аталиб кишилик жамиятига ҳавф солаётган гиёвандлик иллатига қарши курашиш энг долзарб масалалардан бирига, унга қарши курашиш барча инсонларнинг масъулияти ва бурчига айланмоқда.

Айниқса бу офатдан вояга етмаган ўсмир-ёшларни асраш, наслимиз давомчилигининг ҳар жиҳатдан соғлом ва бақувват, ўз юртини севадиган, унинг истиқболи учун қайғурадиган қилиб вояга етказиш ҳар бир ота-она, мактаб, коллеж ва маҳалла фаолларининг муҳим, кечиктириб бўлмайдиган вазифаси бўлмоғи керак. Гиёвандлик чегара билмайди, манзил-макони йўқ, катта-кичикни, ёш ёки кексани аж-

ратиб ўтирмайди, ўз домига барчани, айниқса эндигина ҳаётга кириб келаётган, орзу-умидлари бир дунё бўлган ёшларни тортиб охир-оқибат хароб қилмагунча тинчмайди.

Мамлакатимизда ушбу муаммонинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда.Жорий йилнинг июнь ойининг «Гиёвандликка қарши кураш ойлиги» деб эълон қилинишининг мақсади — моҳияти ҳам ушбу ажалга қарши курашишга қаратилган.

Ойлик давомида шахримизнинг ҳар бир жамоат, давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан бир қанча режали ишлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи турли тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди, гиёвандлик балосининг ноҳуш оқибатларини кўрсатувчи ҳужжатли фильмлар намойиш қилинади.

Дарҳақиқат ёшларимизни гиёвандлик домига тушиб қолишдан асраш йўлида хизмат қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Зеро соғлом турмуш — фаровонлик калити. Унга интилоқ эса ҳар биримизнинг ўз қўлимизда. Шу жумладан фарзандларимиз келажак ҳам мукамал тарбияга, масъулиятимизга боғлиқ. Шундай экан сезилар ва ҳушёр бўлиб кишилик бахту саодати заволи бўлган гиёвандликка қарши курашайлик ва умримиз давомчилари бўлган фарзандларимизни унинг домига тушиб қолишдан асрайлик.«Соғлом турмуш — нури келажак» шioriимиз бўлсин.

**Муқаддас АБДУҚОДИРОВА,**  
1-Яккасарой туман давлат нотариал идораси давлат нотариуси.

## «01»

### БЕПАРВОЛИК ЁНГИНЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМОҚДА

**Ёнгининг «тилсиз ёв» деб беҳуда таърифлашмаган. Чунки у йилнинг ҳар қандай фаслида фавқулодда одам ҳаётига, мол-мулкига тажовуз қиладиган офатлар ичида энг каттасидир. Лоқайдлик, эътиборсизлик оқибатида рўй берган кўплаб кўнгилсиз воқеаларнинг гувоҳи бўлишимизга тўғри келаяпти.**

2009 йилнинг ўтган 5 оyi мобайнида Ҳамза туманида 50 та ёнгин содир бўлиб, ушбу ёнгинлардан 6 фуқаро ҳар хил даражадаги куйиш тан жароҳати олиб, 2 нафар фуқаро ёнгинлардан ҳалок бўлган.

Энг ачинарли томони шундаки, мазкур ёнгинларнинг олдини олиш кўп нарсани талаб қил-

мас эди. Бунга бор йўғи бепарволик, жавобгарлик ҳиссини сезмаслик сабаб бўлган. Фуқаролар ёнгин хавфсизлиги қоидаларини билсаларда, унга лоқайдлик билан қарамокдалар. Газ хидини сезганда гугурт чақиш мумкин эмаслигини билсаларда бунга рияз этмаётган, газ қувурларини ўзбошимча-

ингизда офат балоси чиқмаслиги учун газ билан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини сўраб эдик.

Дарҳақиқат, фарзандларимиз тарбиясига, уларга ёнгин хавфсизлиги қоидаларини ўргатишга ҳеч вақт эриммаслик даркордир. Уларнинг соғлом, бақувват бўлиб ўсишлари бизнинг қўлимиздадир. Озгина эътиборсизлик қилиб, фарзандларимиз соғлиғига, чиройига зарар етказиб юз миң оҳвоҳ чеккандан кўра бугун шу нарсага қарши бир-галикда кураш олиб борганимиз маъқулроқ.

**Абдурашид ТўРАХОНОВ,**  
Ҳамза тумани ИИБ ЁХБ инспектори, катта лейтенант



**Биз ўртоғимиз билан биргаликда пул йиғиб ВАЗ 2107 русумли автомобилга сотиб олдик. Лекин шу орада мен қилган хатоим туфайли жавобгарликка тортилдим. Машина менинг номида расмийлаштирилиб, давлат нотариуси томонидан тасдиқланган эди. Шартноманинг 8 бандида йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтказилган сўнг, автотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси берилади. Бошқармага эса машина эгасининг ўзи бормаса рўйхатдан ўтказилмайди. Энди мен нима қилишим керак?**

**Р. Толипов,**

**Шайхонтохур тумани**

— Сотиб олинган автотранспорт воситаларини давлат рўйхатида қўйиш мулкдор ёки мулкдорнинг нотариал тартибда ушбу автотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ваколатномаси асосида амалга оширилади. «Нотариал тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасида белгиланишича, овозликдан маҳрум этиш жойларидаги шахсларнинг тегишли муассаса бошлиқлари томонидан тасдиқланган ваколатномалар нотариал тасдиқланган ваколатномага тенглаштирилади. Ушбу ваколатнома асосида ИХХН рўйхатидан ўтиш мумкин.

**Вояга етмаганлар билан тузилган битимлар қандай ҳолларда ҳақиқий деб топилади?**

**С.Азларова,**

**Бектемир тумани**

— Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлганлар битимлари ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузилиши керак. Уларнинг розилиги тузилган битим низо келиб чиқиши учун сабаб бўлиши мумкин. Розилик олмасдан тузилган битим ФК нинг 118-моддасига мувофиқ болаларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийсининг даъвоси билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлади. Бунда вояга етмаган болалар тузган битим кейинчалик уларнинг қонуний вакиллари томонидан ёзма равишда маъқулланса, ҳақиқий деб ҳисобланиши мумкин. Демак, вояга етмаган болалар томонидан вакилларнинг битим тузиш учун ёзма шаклдаги розилиги бўлмаганлиги ёки улар ушбу битимни кейинчалик маъқулламаганлиги бунга асос бўлиши мумкин. ФКнинг 22-моддаси 2-қисмига мувофиқ тўла ҳажмда муомалага лаёқатли ёшга етмасдан қонунга асосан никоҳдан ўтган шахсни муомалага лаёқатига эга деб ҳисоблаш, никоҳ бекор қилинган тақдирда, ушбу модданинг 3-қисмида назарда тутилган янги нормага мувофиқ, муомала лаёқати ёшига етмаган шахсни тўла лаёқатга эга эканлигининг сақлаб қолиниши ҳақида янги қоида белгиланган. Бундай шахс қонунга биноан мустақил равишда битимлар тузиш ва битимлардан келиб чиқадиган ҳуқуққа эга бўлиш ва ўз зиммаларига мажбуриятлар олиш имкониятларига эга бўлади. ФКнинг 28-моддасига мувофиқ вояга етмаганларга нисбатан эммансипацияга йўл қўйилади. Бунга қўра, ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномасига асосан ишлаётган бўлса ёки қонуний вакиллари-нинг розилиги билан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин. Эмансипация қилинган шахслар битимга асосан олган мажбуриятлари бўйича ўзлари жавобгар бўладилар.

**Ушбу саволларга ҳуқуқшунослар Нодир ОРТИҚОВ ва Султонмурод УТАУЛИЕВлар жавоб беришди.**

**Яқин танишим бир йил илгари мендан қарзга каттагина миқдорда пул олганди, ханузгача бермай юрибди. Ўғлимнинг қўлида бу ҳақда у ёзиб берган тилхат бор. Устидан ички ишлар бўлимига ариза ёзмақчи эдим, у яна икки ой муҳлат беришимни, қарз шартномаси тузишнинг илтимос қилапти. Қарз шартномаси қандай тузилади?**

**Қ.Усмонов,**

**Ҳамза тумани**

Қарз шартномаси бўйича бир тараф, қарз бериувчи иккинчи тарафга, яъни қарз олувчига пул ёки шу турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб бериши, қарз олувчи эса қарз бериувчидан бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни, қарз суммасини қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси пул берган пайтда амалга оширилиши лозим. Агар сиздан пул олган танишингиз қарз шартномасини тузишни талаб этаётган бўлса, бу сиз учун қонуний ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

**Ер участкаси сотилганида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ қандай бўлади. Шу ҳақда тушунча берсангиз.**

**Ё.Ҳамраев,**

**Миробод тумани**

Сотувчига қарашли бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк жойлашган ер участкаси ана шу кўчмас мулкни сотиб олаётган шахсга мулк қилиб топширилмаган ҳолда сотилса, ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва кўчмас мулкдан фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан сотувчининг фойдаланиш ҳуқуқи сотиш шартномасида белгиланган шартларда сақлаб қолинади. Агар ер участкасининг тегишли қисмидан фойдаланиш шартлари уни сотиш шартномаси билан белгиланган бўлмаса, сотувчи ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва бу кўчмас мулкдан қўзланган мақсадларда фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан чекланган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

**Ушбу саволларга ҳуқуқшунослар Хурматой НАВРЎЗОВА ва Зариф ДАВРОНОВлар жавоб беришди.**

**Маданият масканларида**

**ТОШКЕНТДА ХОРАЗМ ОҲАНГЛАРИ**

**А**йни ёзининг жазирама иссиқ кунларида шахримизнинг сўлим ва хушманзара гўшаларида маданий ҳордиқ олишга нима етсин. **Фафур Фулом** номидаги маданият ва истироҳат боғида мана бир неча йилдири дам олувчилар учун «Мумтоз наволар» давраси рўқнда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, таниқли санъаткорлар билан учрашув кечалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Кун кеча Тошкент шахрининг 2200 йиллиги олдида мазкур боғ маъмурияти ташаббуси билан «Мумтоз наволар» даврасида «Тошкентда Хоразм оҳанглари» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Хоразм воҳасининг етук ва таниқли санъаткорлари билан ижодий учрашув ташкил қилиниб, концерт дастури намойиш

этилди. Маълумки, Хоразмнинг шўх оҳанграбо кўшиқ ва рақслари ҳар бир кишининг қалбига завқ-шавқ, хуш кайфият бахш этади. Ҳеч бир санъат илосмандини бефарқ қолдирмайди. Тадбирга Чилонзор, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманларидаги маҳаллалардан санъат илосмандлари ва дам олувчилар ташриф буюрдилар. Шу

куни Ўзбекистон халқ артистлари Олмаҳон Ҳайитова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулсара Ёқубова, Отамурад Бужонов, хонандалар Нигина Исмаилова, шоира Замира Раззоқова ҳамда «Лазги» ансамблининг хонанда ва созандалари, раққосалари ўзларининг кувноқ ва дилрабо куй-қўшиқлари, шўх ва жозибали рақсла-

ри билан йиғилганлар қалбини хушнуд этдилар. — «Мумтоз наволар» даврасини ўтказишдан асосий мақсад, — дейди биз билан суҳбатда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Музаффар Жаъфаров. — Санъатга илосманд халқимизни иқтидорли санъаткорлар ижоди билан яқиндан таништириш, ёшларнинг ижодий фаолиятини юксалтириш, она-Ватани, Истиқлолни, халқ бахтини, чин инсоний муҳаббатни тараннум этиш, айниқса, мумтоз наволар, лирик ҳамда халқ кўшиқлари, миллий рақс ва ўзбек бастакорлари ижодини тарғиб қилиш, эл севган, юрт ардоғидаги санъаткорларнинг баракали, бой ижоди, юксак маҳорати намуналари ижроларидан мухлисларни баҳраманд

этишга ҳисса қўшиш, истироҳат боғига фуқароларни кўпроқ жалб этиш, уларнинг кўнгилли, маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлашдан иборат. Жонажон шахримизнинг 2200 йиллиги олдида яна кўплаб маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишни режалаштирганмиз. Албатта юртимизга байрамлар ярашади. Мақсадимиз, боғимизга ташриф буюрган каттаю кичик бу ерда мазмунли ва кўнгилли дам олиб, мана шундай тадбирларимизда фаол иштирок этса, хуш кайфият билан қайтса деган умиддамиз. Шу кун кеча худудда дам олувчиларнинг «Мумтоз наволар» даврасида Хоразм оҳангларида кўнгиллари ором олди. Шўх ва жозибали рақслар ва кўшиқларга биргаликда жўр бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)



**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ**

**ХИКМАТЛАР МАХТУМҚУЛИ**

**Бир тоифа юрар молу давлат-ла, Бир тоифа юрар куруқ савлат-ла, Одамзотни билиб бўлмас суҳбат-ла, Синамай билмайди киши кишини.**

Йигитнинг обрўси яхши аёлдир, Яхши аёл нокасларга уволдир, Йигитга қаллоблик айни заволдир, Ҳар ён санқир, билмас қилар ишини.

Бедов ўлса, майдон қолар армонли, Ҳақ ишқида от сол майдон учраса, Йигит ўлса, замон қолар давронли, Вақтингни хуш ўтказ даврон учраса.

Йигит борки, сўзи дардинг аритар, Йигит борки, дами тошни эритар.

Юз номард жойини босмас бир марднинг Чекар ташвишини мард элу юртнинг. Қилган қилиғини кўринг номарднинг: Жангми дея қочар туман учраса.

Мард кутар меҳмонни очик юз билан, Номард қочиб қолар меҳмон учраса.

Кулдан тепа қилиб бўлмас, Синган кўнгил тузук бўлмас.

Ақлингга иш буюр, ожизлик этма, Иш бошласанг аждарҳодан

Ўзгалар чекилса, сен ҳам чекилма, Куруқ сўз — гийбатнинг онаси — шундай...

Йигитман деб ёз фаслингга қувонма, Ёзинг олиб, ёз ўрнига қиш қўяр.

Бу дунёнинг лаззатидан қўл кўтар, Сен ундан кечмассан, ул сендан кечар, Бахил бермас, емас, нонин берк тутар, Жўмард ўғли ош устига ош қўяр...

Дўстларим, бу сўздан бўлинг хабардор,

Дарди бедавога бўлманг гирифтор, Ҳар бандага насиб этса рўзгор, Шунинг билан бор кураши дунёнинг.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Юнусобод туманидаги 101-ўрта мактаб томонидан 2006 йилда Акбаров Бахтиёр Абдурахмон ўғли номига берилган U №2297104 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси бошқарма нотариат бўлими бош маслаҳатчиси Холида Нигматовага акиси **Тўлқин Сиражитдинович НУРИТДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Таълим дастури — амалда**

**Мустақил республикамизда 18 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этади. Мамлакатимиз Президенти томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган юксак эътибор ва гамхўрлик самараларини кўрганда ва Ўзбекистон — ёшлар мамлакатини, деганда аввало мана шу рақамлар кўз ўнгимизга келади.**

**МАҚСАД — БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ**

Биз Чилонзор туманидаги 1-Тошкент Педагогика коллежига кириб келганимизда фикримизнинг яққол исботини кўргандек бўлди. Гап шундаки, 1922 йилда билим юрти мақомида фаолият бошлаган ушбу таълим муассасаси бугун жаҳон андозалари даражасида қайта тавмирланиб, замонавий кифо касб этганки уни беихтиёр қузатиб ўқувчи-ёшларга яратилган шарт-шароит ва қулайликлардан баҳри-дилигиз очилди.

— Таълим масканимиз республикамиздаги салоҳияти энг юксак ўқув масканларидан бири сифатида фаолият юритиб келмоқда, — дейди биз билан суҳбатда коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Мухиддин Ташев. — Бу гапларимни ноқамтарликка йўйманг, чунки коллежимизда олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар давлатимиз раҳбари бошчилигида таълим соҳасидаги изчил ислохотлар ижроси бўйича ёшлар орасида чуқур билим олишга интилишни кучайтириш, ўқитувчи-мураббийлар маънавиятини ошириш, илгор ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, педагоглар ўртасида инновация технологияларини жорий этиш бўйича рақобат муҳитини шакллантириш, таълим стандартлари бўйича қўйилаётган юксак талабнинг самарасидир.

Ушбу таълим масканида ўтган йиллар ичида 20.000 га яқин ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар тайёрлаб берилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб 1-Тошкент педагогика коллежи мақомида фаолият олиб бораётган ўқув даргоҳида 2007-2008 ўқув йилида манзилли реконструкция ишлари олиб борилди. Бунинг учун 2 миллион 800 миллион сўм маблағ ажратилиб коллеж кифоси тубдан ўзгарди. Фан кабинетлари, ўқув лаборатория ва синф хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланиб компьютер синфлари 2 тадан 4 тага кўпайтирилиб, лингафон хоналари ташкил этилди.

— Коллежимизда 10 та кафедра мавжуд бўлиб 154 нафар ўқитувчи ва мураббийлар 2600 дан ортиқ ўқувчи-ёшларга билим сирларини кунт билан ўргатиб келмоқдалар, — дейди суҳбатни давом эттириб М. Ташев. — 47та фан тўғрисидаги, спортнинг волейбол, баскетбол, мини футбол, қўл түпи, ёш гимнастикачи ва шахмат-шашка турлари бўйича тўғрақлар мунтазам фаолият кўрсатади. Ёшларнинг сийҳат-саломатлигини асраш, иқтидор ва ташаббусларини кўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган ишларимиз самараси кундан кунга ўз натижаларини бермоқда. Турли фан олимпиадалари, танлов ва спорт мусобақаларида қатнашаётган ёшларимиз юқори натижаларни қўлга киритиб совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

— Таълим тарбия масканимизнинг ўз тартиб-қоидалари, қатъий интизоми бор, булар фақат ўқувчилар учун эмас, балки

ўқитувчилар учун ҳам бирдек тааллуқли, — дейди бизнинг коллеж ҳақидаги таассуротларимизга янада аниқлик киритиш мақсадида ушбу маскан директори Шавкат ака Курбонов. — Негаки бугун республикамизда таълим тизимида кечаётган ислохотлар ҳар жабҳада фаол ва ташаббускор бўлишни, янгиликка интилиб ўз устида тинмай ишлашни, талаб даражасида билим бериш ва яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда. Олиб борилаётган хайрли ишлар самараси эса ўқитувчи-мураббийларни изланишга чорлаб улар томонидан тайёрланган ўқув қўлланмалари ва янги дарсликлар бугун республикамиз ўқув масканларида фойдаланилмоқда. Илмий иш қилишга интилаётган ёшлар сафи ортиб, улар коллеж раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилмоқда.


Айни кунларда талабалар турар жойида катта таъмирлаш ишлари кетмоқда. Насиб этса яқин кунларда ёшларга замонавий, шинам, ҳар томонлама қулайлик ва шарт-шароитлар яратилган бинонини фойдаланишга топшираемиз. Мақсадимиз юрт риважига инновация технологияларини жорий этиш бўйича рақобат муҳитини шакллантириш, таълим стандартлари бўйича қўйилаётган юксак талабнинг самарасидир.

Ушбу таълим масканида ўтган йиллар ичида 20.000 га яқин ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар тайёрлаб берилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб 1-Тошкент педагогика коллежи мақомида фаолият олиб бораётган ўқув даргоҳида 2007-2008 ўқув йилида манзилли реконструкция ишлари олиб борилди. Бунинг учун 2 миллион 800 миллион сўм маблағ ажратилиб коллеж кифоси тубдан ўзгарди. Фан кабинетлари, ўқув лаборатория ва синф хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланиб компьютер синфлари 2 тадан 4 тага кўпайтирилиб, лингафон хоналари ташкил этилди.

Бугунги кунда ушбу коллежда Бошланғич таълим йўналиши, Мактабда ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар йўналиши, Жисмоний тарбия ва болалар спорти, Логопедия, Логопедик йўналишдаги таълим муассасаларида тарбиявий ишлар йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Ушбу коллежни битириб чиққан талабалар кун и замирида гуруҳларда тарбиячи, бошланғич синфларда тасвирий санъат ва меҳнат тарбияси раҳбари, тарбиявий ишлар катта етакчиси, тўғрақ раҳбари, бошланғич синфларда жисмоний тарбия мураббийси, мактабга таълим муассасаларида жисмоний тарбия раҳбари каби бир қатор йўналишларда иш олиб борадилар.

Биз ёш авлод таълим-тарбияси йўлида тинмай изланиб, янгиликка интилиб иш олиб бораётган 1-Тошкент Педагогика коллежи жамоасига бу хайрли ишдан чарчамаслигини тилаб қоламиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: 1-Тошкент педагогика коллежи фаолиятдан лавҳа. Шавкат Қаҳҳоров олган сурат**



**Спорт янгиликлари**

**ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ**

**Хитойда бокс бўйича уюштирилган Осиё чемпионати мусобақалари якунланди.**

Қитъамизнинг энг кучли чарм қўлқоп усталари иштирок этган ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган ўн бир нафар боксчимиздан беш нафари совриндор бўлди. Қувонарлиси, 64 ва 81 килограммгача бўлган вазнларда иқтидорли ёш боксчиларимиз Санжар Раҳмонов ва Элшод Расуловларга тенг келадиган рақиблар топилмади. Натيجида ҳар икки спортчимиз шохсупа тўридан жой олиб Осиё чемпиони номига сазовор бўлишди.

Шунингдек, ўз вазн тоифаларида ҳамюртларимиздан Тўлашбой Дониёров, Хушид Тожибоев ва Сардор Абдуллаев Осиё чемпионатининг қумуш медаллари билан тақдирланишди.

**КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ**

**Шаҳримизда шахмат бўйича эркаклар ўртасида уюштирилган Ўзбекистон чемпионати олий лигаси мусобақалари якунланди.**

Шуниси қувонарлики, ушбу мусобақаларда пойтахт шарафини ҳимоя қилган икки шахматчи Антон Филиппов ва Владимир Егин иккинчи, учинчи ўринларни эгаллашди. Биринчилик мусобақаларига пухта ҳозирлик кўрган самарқандлик Жўрабек Ҳамроқулов 9 очко жамғариб шохсупа тўридан жой эгаллади ва Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлди.

Шунингдек, юқоридаги совриндорлардан ташқари анча сермазмун ўйин намойиш этган Сайдали Йўлдошев, Марат Жумаев ва ҳамшаҳримиз Андрей Каюн олий лигада кучли олтиликдан жой эгаллаб халқаро турнирларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ**

**Буюк Британияда теннис бўйича мукофот жамғармаси 450 минг АҚШ долларига тенг бўлган нуфузли турнирни ҳамюртимиз Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси Денис Истомин галаба билан бошлади.**

Биринчи турда америкалик Кевин Кимга қарши кортга чиққан Денис мутахассислару мухлислар олдида ажойиб ўйин намойиш этди. Муросасиз, қизиқарли ва кескин курашлар остида кечган беллашува Денис икки сет натижасига кўра рақибини 7:6, 7:5 ҳисобида енгди ва кейинги босқичга йўлланма олди.

**СОВРИНДОРЛАР САФИДАН ЎРИН ОЛИШДИ**

**Польшанинг Бидгош шаҳрида енгил атлетика бўйича тўққизинчи марта уюштирилган Европа очик фестивали якунланди.**

Ушбу нуфузли турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Леонид Андреев лангарчўлда сакраш баҳсида 5 метру 55 сантиметр натижани қайд этиб бронза медалини қўлга киритди. Шунингдек, Грециянинг Салоники шаҳрида енгил атлетика бўйича уюштирилган халқаро турнир ҳамюртимиз Светлана Радзивилга ҳам омад келтирди. Турнирнинг бандликка сакраш беллашувида 1 метру 91 сантиметр натижани қайд этган ҳамюртимизга бронза медални насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**  
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32  
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*  
**Нашр кўрсаткичи — 563**  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**  
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3676 нускада босилди. Қоғоз бичими А-2  
156789